

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЕТАКЧИ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

Мамажоновна Камола Акрамовна

А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси,

Жиззах, Ўзбекистон

e-mail:katola-akratovna@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада таълим жараёнида таълим технологияларини қўллаш ва таълим технологияларини шахсни шакллантиришдаги роли тўғрисида фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: таълим, технология, таълим технологияси, шахс, метод, ахборотли ўқитиш, таълим, фан, ишлаб чиқариш, муаммоли ўқитиш.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы применения образовательных технологий в образовательном процессе и роли образовательных технологий в формировании личности.

Ключевые слова: образование, технология, образовательная технология, личность, метод, информационное обучение, образование, наука, производство, проблемное обучение.

Abstract: The article examines the issues of using educational technologies in the educational process and the role of educational technologies in the formation of personality.

Key words: education, technology, educational technology, personality, method, information learning, education, science, production, problem learning.

Тобора ўсиб бораётган илмий ва технологик ўзгаришлар муҳим ишлаб чиқарувчи куч сифатида энг янги илмий билимлардан фойдаланиш билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса билимлар жамиятини шаклланишига олиб келди.

Билимлар жамияти бу – таълим, фан ва инновациялар янги ахборот технологияларининг фаол роли билан бирлаштирилган ижтимоий тизим бўлиб, бунда инсоннинг интеллектуал салоҳияти муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Инсоннинг интеллектуал салоҳиятини оширишда эса таълим технологияларининг ўрни каттадир.

Таълим технологияси – таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида, инсон ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимидир.

Таълимни технологиялаштиришнинг асосини, таълим жараёнини, унинг самарадорлигини ошириш ва таълим олувчиларни, берилган

шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этади.

Бундай ёндошишнинг моҳияти, таълим жараёнини тизимлаштиришдан уни аниқ расмийлаштирилган ва деталлари бўйича аниқ элементларга бўлиб ташлаш ёрдамида максимал шакллаштиришдан иборатдир.

Хўш, республикада нима мақсадда таълим технологиялари яратилиб, улар таълим-тарбия жараёнида қўлланилмоқда?

Биринчидан, тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун, аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги;

Иккинчидан, анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли «ахборотли ўқитиш» сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айлантириш;

Учинчидан, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга етказишда вақтдан унумли фойдаланиш;

Тўртинчидан, кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиш;

Бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланиш.

Шунинг учун ҳам таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустаҳкам назарий билим, фаолият, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида таълим технологияларидан фойдаланиш давр тақозоси ҳамда ижтимоий зарурият сифатида кун тартибига кўйилмоқда.

Бу эса кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди ҳамда таълим технологияларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади.

Педагогик жараённи такомиллаштириш, уни ўқувчи шахсига йўналтиришга асосланган таълим технологияларини кўриб чиқамиз.

Ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги педагогик технологиялар. Муаммоли таълим, ўйинлар, таянч сигналлар, конспектлари технологиялари ва бошқалар.

Ўқув материални дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаб чиқиш асосидаги педагогик технологиялар. Бу технологиялар ўрганилаётган билимларнинг дидактик тизими оптимал мазмунга эга бўлиши, билимларга тизимли нуқтаи назардан ёндошиш, ўқувчиларга билимларни эгаллашнинг энг мақсадга мувофиқ йўллари ўргатиш каби тамойилларга асосланади.

Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар. Бу технологияларга такомиллаштирилган, индивидуаллаштирилган, дастурлаштирилган таълим технологиялари, таълимнинг жамoa усули гуруҳли, компьютерли таълим технологиялари кабилар киради.

Табиатга мувофиқлаштирилган педагогик технологиялар. Буларга ўқувчининг табиий имкониятлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг табиий имкониятлари ва бошқа табиатга мувофиқ имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни амалга оширишга асосланган педагогик технологиялар киради.

Ривожлантирувчи таълим технологиялари. Буларга ўқувчи шахсининг сифатларини, айрим соҳалардаги билимларини, ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологиялари киради.

Таълим технологияларини ривожлантириш ва уларни ўқув-тарбия жараёнида қўлланилиши, шунингдек, ахборот технологияларининг тез алмашинуви такомиллашуви жараёнида ҳар бир шахс ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ишмухамедов Р., Йўлдошев М. “Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар”. Ўқув қўлланма -Т., -2013 йил, 277 бет.

2. Толипов Ў., Рўзиева Д. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Тошкент., “Инновация-Зиё” 2019 йил.

3. Қўйсинов О.А., Маматов Д.Н. “Умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида педагогик технологияларни қўллаш”. Меҳнат воa касб таълими ўқитувчилари касбий компетентлигини таъминлашнинг интегратив технологиялари. Республика илмий-методик анжуман материаллари. Тошкент: ТДПУ-2010.

4. Мамажонова К.А., Юсупов К.Я., Бурхонов Р.Р. “Таълим технологиясини лойиҳалаштириш тамойиллари ва унинг назарий мметодология асослари” Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской области. Труды Международной конференции «Непрерывное образование в устойчивом развитии проблемы и решения». Том I. 21-24 май, 2019 год. 370-371 стр.

5. Мамажонова К.А., Аҳмедова Г.М. “Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришдаги таълим-тарбия тизимида педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурияти”. Modern scientific challenges and trends. ISSUE 10 (21) WARSAW, POLAND Wydawnictwo Naukowe “iScience” 20th Novembr 2019. 106-108 pegs

6. Mamajonova, K. (2020). ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ. *Физико-технологического образование*, (1).

7. Mamajonova, K., & Abdullayev, V. (2021). ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ОМИЛЛАРИ. *Физико-технологического образование*, (2).

8. Холматов, П.Қ., & Мамажонова, К.А. (2020). КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎЛЛАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАР ШАКЛЛАРИ ВА МАЗМУНИНИ ТАНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК МЕЗОНЛАРИ. *Научное знание современности*, (1), 38-42

9. Шарипов, Ш. С. (2017). Personality model of modern taecher. *Eastern european Scientific Journal–Germany*, 93-96.

10. Шарипов, Ш. С. (2000). Педагогические условиях формирования изобразительского творчества студентов (на примере факультетов Труда и профессионального образования).

11. Orishev, J. (2021). ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДА ЛОЙИҲАЛАШ МЕТОДИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ . *Физико-технологического образование*, 4(4)

12. Jamshid Orishev, Зухра Оришева, “METROLOGIK O’LCHOVLAR” MAVZUSINI O’QITISHDA NOSTANDART TESTLARDAN FOYDALANISH ,

13. Malohat Abdurahmonova, Jamshid Orishev, ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ , *Физико-технологического образование*: Том 4 № 4 (2021)

14. Jamshid Orishev, ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЛОЙИҲАЛИ ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ , *Физико-технологического образование*: № 3 (2021)

15. Orishev, Jamshid (2021) "PROJECT FOR TRAINING PROFESSIONAL SKILLS FOR FUTURE TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.

16. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *Физико-технологического образование, 1(1)*

17. Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology, 29(08), 3669-3677.*